ЎзССР Давлат ... 29 03 95

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 22 март, чоршанба №36 (21.799.) Сотувда эркин нархда.

БИР АЙЁМ КЕЗАДИ ҚУТЛУҒ ВАТАНДА



Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Суратларни Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган.

Ўзбекистон миллий боғи ва Халқлар дўстлиги саройига туташиб кетган Алишер Навоий ёдгорлиги майдони бугун ҳар қачонгидан ўзгача манзара кашф этган. Салобат тўкиб турган буюк Навоий ҳайкали, ярим доира шаклида қурилган уч минг нафардан зиёд томошабин ўтирадиган муваққат жой, унинг атрофида қад ростлаган олти мовий гумбаз, товусдек товланувчи матодан ясалган безаклар, ўртадаги улкан саҳна ва бу ердан Навоий ёдгорлиги пойгача чўзилган намойишгоҳ, шабадада ҳилпираб турган ранг-баранг байроқчаларни кўриб бутун вужудингиз байрам шукуҳига тўлади.

...Эрталаб соат 9.00. Томошагоҳ тўридаги шоҳсупадан Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, бошқа расмий кишилар жой оладилар.

Шодиёналар аввалида республика Президенти Ислом Каримов Узбекистон халқини гўзал баҳор айёми — Наврўзи олам билан муборакбод этиб, табрик нутқи сўзлади.

Кейин саҳнада «Муқаддима» ва тўрт қисмдан иборат «Коинот», «Сув», «Қуёш», «Ер» деб номланган театрлаштирилган томошалар бошланади. Пойтахтнинг машҳур санъат усталари, иқтидорли ижрочи ёшлари тайёрлаган ажойиб томошаларда оламнинг яратилиши, сув тириклик рамзи, қуёш тафтининг шарофати, ер — она замин, одамларга бошпана — Ватан бўлган улкан макон экани ҳақидаги қадимий ўйинлар, маросимлару афсоналар жонланади. Гуллар тебраниши янглиг рақслар, дилрабо қўшиқлар, Ватан, меҳнат, эзгулик ҳақидаги шеърлар қалбингизни тўлқинлантиради. Сиз, бир дақиқа бўлса-да, кундалик ҳаёт ташвишларидан холи қолиб, ўзингизни баҳорий ҳиссиётлар оғушида кўрасиз.

Намойишгоҳ атрофида тикланган расталарда пойтахт туманлари ташкил қилган турли кўргазмалар ёнидан бефарқ ўтолмайсиз. Улар ораларига қўйилган бежирим каравотларда бир зум ёнбошлаб, бир пиёла чой ичингиз келади. Байрамона безатилган дастурхонларда турли салқин ичимликлар, ноз-неъматлар, қандолат маҳсулотлари, ширинликлар, қайноқ сомса-ю бурсилдоқ нонлар. Дошқозонларда Наврўз таомлари билқиллаб, кабоблар ҳиди димоғингизни қитиқлайди.

— Бугунги байрам аввалгиларидан ўз таровати, томошалар дастурининг ранг-баранглиги, ташриф буюрганларга ўзгача қулайликлар яратилгани билан фарқ

қилади, — дейди Узбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Нигмат Солиҳов, — бундай манзарани пойтахтнинг оммавий байрам тантаналари ўтаётган барча майдонлари, боғларида кўриш мумкин.

Чунки республикамизнинг бундан кейин иқтисодий ривожланиш даражаси ортиб бораверади.

Намойишгоҳда энди бошқа ижодий гуруҳлар санъаткорлари томоша кўрсатишарди. Алишер Навоий номидаги Узбек давлат академик Катта театри, М. Қориёқубов номли Узбекистон Давлат филармониясининг ашула ва рақс ансамбллари, Муқимий номидаги мусиқали театр, М. Горький номли академик рус драма театри, М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ рақс ансамбли, ўзбек давлат цирки ва бошқа кўплаб бадиий гуруҳлар, институт, техникум, билим юртлари жамоаларининг вакиллари ижро этган концерт номерлари қарсаклар билан кутиб олинди. Бу олқишлар Наврўз тантаналари бадиий раҳбари ва бош режиссёри, Узбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев, бош рассом — Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Брим, сценарий муаллифи Хуршид Даврон, театрлаштирилган саҳналар бош режиссёри, Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Наби Абдураҳмонов, балетмейстерлар — Юлдуз Исматова, Дилафрўз Жабборова, Қодир Муминов ва бошқа кўплаб таниқли санъаткорлар, ташкилотчиларга ҳам тегишли эди, албатта. Узбек давлат филармониясининг «Шодлик», «Зарафшон», «Лазги» халқ ашула ва рақс ансамбллари, Узбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Ортиқ Отажонов, Аҳмаджон Шукуров ва бошқа таниқли санъаткорларимиз меъёрига етказиб ижро этган номерларни томошабинлар узоқ эслаб юрсалар керак.

Муаззам Тошкентнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган кўҳна Анҳор дарёси тўлиб оқмоқда. Бу дарё тоғлардан маъданлар эритмаси билан бирга баҳор чечакларининг хушбўй нафасини ҳам пуркаб оқмоқда. Ана шу обиҳаёт арғининг икки томонида шаҳар узра Наврўз шодиёналари кенг қулоч ёзган. Шодиёна ўтаётган Алишер Навоий номидаги боғда Улуғбек ва Умидбек деган икки ёш йигитни учратиб қолдик. Иккови ҳам бир хил ҳарбий либосда. Бўйи ҳам, ёши ҳам, бир хил. Улар Тошкент Олий ҳарбий билим юртининг курсантлари экан.

— Мен, Латипов Улуғбек, Ғиждувондан бўламан. Биз бу байрамда Узбекистон давлат байроғини қўтариб ўтяпмиз. Ўртоғим Умидбек Мадаминов Юнусобод мавзесидан. Иккаламиз 3-курс курсантларимиз. Яқин йиллар ичида Узбекистон Республикаси Қуролли Кучлари зобитлари бўлишимиз билан фахрланамиз. Тушдан кейин билим юртидаги Наврўзга ҳам боришимиз керак. Отаоналаримиз билан бир дастурхон атрофида ўтирамиз. Курсант ўртоқларим сумалак пиширишган.

Германиянинг Гамбург шаҳридан келган Хожи Муҳаммад Рафиқ билан суҳбатимиз дийдор кўришув палласига ўхшаб кетди.

— Германияда яшовчи ўзбекман. Онам шаҳрисабзлик Бибидилором — 80 ёшдалар. У киши ҳали бардам. Менинг ҳаётдаги энг буюк орзуим — она Узбекистонни кўриш ва унинг муқаддас тупроғини юзимга суртишдан иборат эди. Бунда «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этган янги ҳаво йўли мушкулимни осон қилди. Гамбургдан кейин Франкфурт — Амстердам — Тошкент қатновида учиб келдим. Бугун бундай улкан

(Давоми 2-бетда).

Мустақил республикамизнинг ҳамма ерида Наврўз байрами катта тантаналар ва зўр шодиёналиклар билан нишонланди. Қуйида вилоят мухбирларимизнинг шу ҳақдаги хабарлари билан танишасиз.

АНДИЖОН. Гўзаллик ва нафосат байрами шаҳар чиройини янада очиб юборди. Байрам шукуҳига бурканган кўчалар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ҳар қачонгидан ҳам яшнаб кетди. Мустақиллик ва миллий истиқлол боис алоҳида қадр ва эътибор топган Наврўзни ўзгача кўтаринкилик билан қарши олган андижонликлар айём тантаналарини зўр шодиёналар билан нишонладилар. Бобур майдонида Наврўз сайли ташкил этилди. Хиёбонлар ва аҳоли гавжум жойларда кўнгилочар ўйинлар, савдо ярмаркалари, кўрик-танловлар ва бошқа қизиқарли тадбирлар уюштирилди. Бадиий жамоалар ва яккахон хонанда ва созандаларнинг чиқишлари байрам тадбирларига алоҳида файз бағишлади. Дошқозонларда Наврўзнинг энг мўътабар таоми — сумалаклар пиширилди. Пазандалар ош дамлаб, ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этдилар. Вилоят маданият бошқармаси, савдо ташкилоти, тайёрлов-сотув идораси ходимлари байрам қатнашчиларининг хизматида бўлишди. Яратиш, яшнатиш фасли баҳорнинг муборак айёми дилларга қувонч бахш этди. Кўнгиллар шукуҳга тўлди.

Байрам шодиёналари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам зўр кўтаринкилик билан нишонланди.

***

БУХОРО. Қадимий ва кўҳна Бухоро гўё яшаргандек. Кўча ва хиёбонлар, маҳалла ва истироҳат боғлари байрам либосида. Ҳаммаёқни сумалак ҳиди қоплаган. Халқимизнинг қадимги байрами — Наврўз ўз бўйи бастини, жамолини кўрсатибгина қолмай, балки бухораликларга олам-олам севинч, завқ-шавқ ҳадя қилди. Шаҳарнинг барча маҳаллаларида дошқозонлар ўрнатилиб, халқимизнинг тансиқ таомлари пиширилиб элга тарқатилди. Вилоят ҳокимлиги «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ота-онасиз 50 ўғилқизнинг мучал тўйини ўтказгани ҳаммага манзур бўлди. Бундан ташқари қўпгина туманларда ёшларнинг суннат ва бахт тўйлари бўлиб ўтди.

Шаҳардаги Исмоил Замоний боғида халқ сайллари ташкил этилди. Шунингдек, Жондор, Когон, Вобкент, Қоракўл, Ғиждувон, Бухоро туманларида байрам кўнгилдагидек ўтаяпти. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳокимликлар ва ЎзХДП туман кенгашларининг байрам совғалари улашилди. Бадиий ҳаваскорлик дасталари, вилоятнинг кўзга кўринган санъаткорлари сидқидилдан хизмат қилдилар.

***

ЖИЗЗАХ. Вилоят меҳнаткашларининг 18 март куни шанбалик билан бошланган Наврўз тантаналари кеча шаҳар яқинидаги Наврўзбулоқ сайлгоҳига кўчди. Вилоят раҳбарлари ва фаоллари байрам арафасида уруш, меҳнат ва қуролли кучлар фахрийлари, кам таъминланган оилалар, кекса ва ногиронлар ҳолидан хабар олдилар. Республика болалар жамғармасининг вилоят бўлими, «Маҳалла», «Наврўз», «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Қизил Ярим ой жамиятининг вилоят қўмитаси, фирмалар, тадбиркорлар ва бошқа саховатпеша жамоалар хайрия тадбирлари ўтказдилар.

Кеча Наврўзбулоқ сайлгоҳида халқ шодиёналари авжга чиқди. Минглаб меҳнаткашлар, қўшни вилоятлар ва республикадан ташриф буюрган меҳмонлар ҳузурида вилоят санъаткорлари, дорбоз ва масхарабозлар хизматда бўлишиб, спорт беллашувлари қизиди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган тожик, қозоқ, қирғиз, рус, корейс ва бошқа миллий марказларда Наврўз ва дўстлик мадҳиялари янгради.

***

НАМАНГАН. Вилоятда Наврўзи олам ўзгача кўтаринкилик кайфиятда қаршиланди. Ҳокимлик ташаббуси билан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги боғ-роғлар яратиш бўйича белгиланган юмушлар рисоладек бажарил-

(Давоми 2-бетда).

ХДП ҳаётидан

ҲАР ИШДА БОШ-ҚОШ

Қашқадарёда энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири «Қаршиқурилишиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси ХДП бошланғич ташкилоти ўз сафига 300 дан зиёд партия аъзосини бирлаштирган.

Бирлашма партия ташкилотининг котиби Бўри Жўраев биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Бирлашма асосан 70-йилларнинг бошида Қарши чўлини ўзлаштирувчиларга керакли ашёлар етказиб бериш зарурати туфайли ташкил этилганди. Ў йилдан-йилга кенгайиб, ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайиб, маҳсулотлари сифат ва сон жиҳатдан ортиб бормоқда. Айни кунда бирлашма ихтиёрида 20 дан ортиқ корхона ишлаб турибди. Уйсозлик заводи, 1, 2,темир-бетон буюмлари корхонаси, ёғочни қайта ишлаш ҳамда керамзит тайёрлаш корхоналари ишлаб чиқараётган қурилиш материаллари билан вилоят миқёсида янги бинолар қад ростламоқда. Корхонанинг бош раҳбари, Шуҳрат Бегматов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, уддабурон, узоқни кўра биладиган, ташаббускор раҳбар.

Бирлашмада янги ишчи ўринларини яратиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қўшма корхоналар қуришга эътибор берилмоқда. Россиядаги «Урал» концерни ва «Братскстройкомплект» трести билан ҳамкорликда қўшма корхона бунёд этилди. Шунингдек, Покистон билан биргаликда «Ҳамкор» қўшма корхонаси ишга туширилди. Унда 200 нафар ишчи-хизматчи ишлаяпти. Уларнинг 90 фоизи хотин-қизлар. Покистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда терини қайта ишлаш ва пойабзал тайёрлаш корхонаси ҳам бунёд этилаётир. Агар шу корхона битса яна 500 одам ишли бўлади. Қарши шаҳрида энг чиройли уйлар қўли гул қурувчилар томонидан бунёд этилди.

— Бўривой ака, бирлашма партия ташкилоти фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Ўтган йили 50 дан ортиқ киши партия сафига ўтганди. Яқинда 10 дан зиёд ходим ХДП аъзолигига қабул қилишни сўраб ариза берди. Масалан, улар орасида турли касб эгалари бор. Раҳмиддин Сатторов — муҳандис, Шавкат Маҳматов — техника хавфсизлиги муҳандиси, Зулфия Тиловова — дастгоҳ ишчиси. Қўмитамиз таркибида 15 та цех партия ташкилоти бор. Фаол котибларимиздан Бахтиёр Хўжақулов, Гулнора Файзиева, Рустам Чумахидзелар ишчилар ўртасида ҳурмат ва эътиборга сазовор. Партия ташкилоти корхона маҳсулотлари сифати ва самарадорлигини янада ошириш билан бирга эътиборни ходимларнинг маънавий камолотига ҳам қаратмоқда.

Партия ташкилотимиз одамлар манфаати, яшаш ва ишлаш шароитини яхшилаш,ХДП аъзолари ва уларнинг бошини қовуштириш, ходимлар ўртасида меҳр-оқибат, миллий қадриятларнинг тикланиши йўлида жонбозлик кўрсатади.

Яқинда бирлашманинг барча ишчи-хизматчилари билан ҳуқуқ ва тартибот органлари ўртасида ўтказилган очиқ мулоқот ташаббускори ҳам партия ташкилоти бўлди.

Хуллас, ташкилотимиз барча соҳаларда яратувчилик ишига бош-қош бўлиб, корхона ишчи-хизматчилари ўртасида обрў-эътибор қозонмоқда.

Ғози РАҲМОН.

МУЗЕЙНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

21 март куни собиқ Лёнин музейи ўрнида ташкил этилган Ўзбекистон Давлат тарих музейининг тантанали очилиш маросими бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов кириш сўзи билан очди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси президенти вазифасини бажарувчи Ж. Абдуллаев, республика «Ёдгорлик» жамиятининг раиси Н. Муҳитдинов, академик Г. Пугаченкова, халқ рассоми Б. Жалолов ва бошқалар мазкур маънавият даргоҳининг очилиши баҳор байрами — Наврўзга тўғри келганида рамзий маъно борлигини қайд этдилар. Бу музей халқнинг ўзлигини англашда, тарих ва бой маданий меросни теран ўрганишда, меҳнаткашларни, айниқса, ёш авлодни мустақил Ватанимизга садоқат ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этажагини таъкидладилар.

Шундан кейин тантанали равишда қизил лента қирқилди. Маросим иштирокчилари музей экспозициялари билан танишдилар. Бу ерга саккиз мингта осори-атиқа қўйилган бўлиб, улар халқимизнинг бой тарихини, бугунги буюк ўзгаришларни тўлақонли акс эттиради.

Маросимда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, бир қатор хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари қатнашди.

(ЎзА).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар ва воқеалар хабарлари

Савдо

БУ ЕРДА ТЎХТАБ ЎТИШАДИ

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Гулчамбар Ғаллаорол туманидаги Эсонқул Исмоилов номли ижара-ширкатлар жамоаси ҳудудидаги янги қишлоқлардан. Қишлоқ серқатнов йўл ёқасида жойлашган. Бу ерда новвойхона, чойхона, аралаш моллар дўкони ишлаб турибди.

Яқинда Ғаллаорол туман ҳокимлиги аҳолига яна бир қулайлик яратишга қарор қилди. Ялангликдаги айлана шакл бинони таъмирлаб бозорга мослаштириладиган бўлди. Агар бино усти ёпилса, бежиримгина гумбазли бозор вужудга келади. Савдо-сотиқ ҳозирданоқ бошлаб юборилди. Самарқанд, Жиззах, Челак, Навоий, Нурота каби шаҳарлардан қатнаётганлар ҳамда Тошкент томонидан келаётганлар ҳам бу ерда тўхтаб ўтишни расм қилишмоқда. Бозор пайшанба кунлари, айниқса, гавжум бўлмоқда.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

Маърифат

МАЪНАВИЯТ АКАДЕМИЯСИ

СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Термиз давлат дорилфунуни қошида ташкил этилган республикада ягона Маънавият академияси вилоят жамоатчилиги ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди.

Доимий ҳаракатдаги бу академиянинг дастлабки тингловчилари жамоа хўжаликларининг раҳбарлари бўлишди. Улар бир ҳафта давомида ҳозирги шароитда маънавият ва маданиятнинг туб асосларини ўргандилар. Ҳар қандай бунёдкорлик ва ишлаб чиқариш маънавият билан узвийлиги ҳақида мулоҳаза юритадилар. Академияга республиканинг таниқли олимлари, давлат арбоблари жалб қилинади.

Олимжон УСАНОВ.

Соғлом авлод учун

КУНДУЗГИ ШИФОХОНА

БУХОРО (мухбиримиздан). Вилоятда соғлом авлодни камол топтириш йўлида савобли ишларга қўл урилмоқда.

Шаҳардаги 4-болалар поликлиникасининг биноси таъмирланиб, кичкинтойлар учун кундузги шифохонага айлантирилди. Бўш ётган бу бинони таъмирлашда «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Муборакгаз»нинг 5-қурилиш участкаси, вилоят молия бошқармаси, «Ўзэлектромонтаж» каби йирик ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатдилар. 50 ўринли бу шифохонада хизмат кўрсатиш Бухоро тиббиёт институти педиатрия кафедраси назоратида олиб борилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

Транспорт

ВОДИЙДАН ТЕРМИЗГАЧА

АНДИЖОН. (жамоатчи мухбиримиздан). Шу пайттача «Андижон-Бухоро» поезди водий халқини Зарафшон воҳасига боришида, қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарлари билан боғлашда қулай деб саналарди. Бундан Тошкент ва Жиззах вилояти аҳолиси, ҳатто ленинободликлар ҳам мамнун эдилар. Энди бу йўналишда қатнайдиган поезд Термизгача борадиган бўлди.

-Поезд йўналишини узайтиришдан мақсад – Фарғона водийсини Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси билан боғлашдан иборат, - дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси йўловчиларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Миркамол Одилов. -Бундай тадбирни амалга оширишда аҳоли ва ҳокимликларнинг илтимослари инобатга олинди. Энди поезд Андижондан йўл олиб, Марғилон, Қўқон, Хужанд, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари орқали манзилга интилади. Ҳозирча поездлар тоқ кунлари йўлга чиқмоқда. Кейинчалик ҳар куни қатнайдиган бўлади.

Адҳам ДАМИНОВ.

Экология

СУВ ЎСИМЛИГИ БИЛАН ТОЗАЛАНАДИ

ТОШКЕНТ. (мухбиримиздан). Вилоятда атроф-муҳитни муҳофаза этиш юзасидан қатор юмушлар амалга оширилаётир. Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида эришилган пировард натижа фикримизни далилласи мумкин. Бу ерда ўтган йилнинг ўзидаёқ ҳавога зарарли чиқитлар чиқарилиши 1 минг 700 тоннага камайди. Жамоанинг куч-ғайрати билан атроф-муҳитни авайлаб-асраш борасида талай тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда корхона экологлари Узбекистон ФА Ботаника институти олимлари билан ҳамкорликда зарарли оқава сувларни биологик йўл билан тозалайдиган бирлашма учун янги усулни ишлаб чиқдилар. Бундай усул — оқавалардаги кимёвий чиқитлар сув ўсимлиги билан тозаланади, деган маънони билдиради.

Абдунаби МАННОПОВ.

БИР АЙЁМ КЕЗАДИ ҚУТЛУҒ ВАТАНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

шодиёнани ҳаётимда биринчи бор кўришим. Мен жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатида бўлиб, ўзбеклар миллий амалий санъати буюмларини ўрганиш ва йиғиш билан шуғулланаман. Менинг қалбимда ҳавас уйғотадиган барча миллий безаклар мана шу байрамда мужассамлашган. Қувончимнинг чеки йўқ. Онадан қайта туғилгандек бўлдим. Ўзбекистондаги барча биродарларимга кўҳна байрам саломини йўллайман. Мустақиллик шарофати туфайли ҳар бир оиланинг хонадони ана шу Наврўздек яшнасин.

Японияниинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки ўз таассуротларини шундай ифодалади:

— Бу сафарги Наврўз байрамингиз ҳам жуда гўзал. У ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ва маданияти ғоятда бой эканлигидан далолат бераяпти. Буюк ипак йўли тўғрисида бир қатор китоблар ўқиганман. УлардаУрта Осиё халқларининг қадимги либослари, рақсларига таъриф берилган эди. Ана шу либослар ва рақслар гўзаллигини Наврўз байрамида кўраяпман. Демак, Наврўз ва маданият бир-бирига сингиб, қадимий бўлиб кетган. Риштонлик уста кулол Алишер Назиров Японияда тўрт ой давомида ҳамкасбларидан тажриба ўрганди. У ўзбек ва япон кулол усталари тажрибаларини уйғунлаштириб асарлар яратаётгани диққатга сазовор. Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар янада ривожланишига ишончим комил.

Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрдоған Айтун:

— Наврўз ҳақида кўп эшитганман. Бу туркий халқлар учун улуғ байрам. Мен бу ерда биринчи марта бундай шодиёнани кўришга муяссар бўлиб турибман. Ғоятда хурсандман. Байрам манзараси ва унинг қамрови ўзбек халқининг дунёвий маданияти катта эканлигини кўрсатмоқда. Ҳаммаёқда шодиёна. Қалбларда, саломаликда ва шаҳар манзарасида байрам қувончи. Буларнинг ҳаммаси инсонга катта руҳ беради. Туркияда ҳам Наврўз байрами маросимлари ўтказилишига ҳозирлик кўрилган. Унга Ўзбекистондан ўттиз кишидан иборат санъат усталари таклиф этилди. Республика Маданият ишлари вазирлиги яқиндан ёрдам берди. Анқара шаҳрида бўладиган тадбирларда қатнашиш учун йўл олган санъаткорлар орасида Ҳуррият Исроилова, Муяссар Раззоқова, Рустам Абдуллаев ва бошқа бир қатор истеъдод эгалари бор. Улар Туркия шимолидаги Эдерна, жанубидаги Иғдир шаҳарларида ҳам ўзбек санъатини намойиш этишади. Бутун ўзбек халқига бахт-саодат ва омонлик тилайман. Ҳар бир кунингиз Наврўздек тароватли бўлсин.

Улкан файзли боғда умумхалқ шодиёнасида қатнашаётган турли миллат кишилари орасида Павель Николаевич Ким билан суҳбатлашиб қолдик. У киши ҳозир нафақахўр. Меҳнат фаолияти сиёсий-ижтимоий фанлардан сабоқ бериш билан ўтган.

— Наврўз — Ўзбекистондаги ҳамма халқларнинг байрами. Унинг шодиёнаси, ўйин-кулгиси ва сербўёқ манзараси йилимизнинг файзли бўлишидан дарак беряпти. Президент Ислом Каримовнинг довюраклиги ва донолиги туфайли бу байрам ҳаётдан ўз ўрнини топди. Қадимий маданиятни қадрлаш, тўғри баҳо бериш ҳаёт қонунияти. Чунки бундай миллий байрамлар тараққиётга хизмат қилади. Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи йиғинида қилган маърузаси билан ғоятда қизиқиб танишдим. Шу ёшга келиб бундай чуқур мазмунли маърузани учратмаганман. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ана шу маърузани ўрганиб ўзи турмушда нима иш қилиши лозимлигини яққол идрок эта олади. Мен Президент ваколатлари муддатини узайтириш референдумида бажонидил овоз бераман ва ҳаммани ана шу хайрли ишга даъват этаман.

Тантаналар шаҳар узра уланиб кетган. Халқ амалий санъати ҳунармандчилиги ва косибчилигининг расталари, савдо кўргазмалари ёнида одамлар гавжумлаша бошлайди. Чойхоначи-ю пазандаларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамманинг чеҳрасида байрамона кайфият, Аллоҳ етказган бугунги бахтиёр кундан шукроналик, юртимизда ҳукм сураётган барқарор тинчликдан мамнунлик жилва қиларди.

Шунингдек, республикамиз пойтахтининг Халқлар дўстлиги, Мустақиллик, Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри, Хадра майдонларида, Сайлгоҳ кўчаси ва Амир Темур хиёбони ҳамда Ўзбекистон миллий боғида Наврўз шодиёналари бўлиб ўтди. Турли аттракционлар, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, спорт беллашувлари ва бошқа ажойибу ғаройиб халқ ўйинлари мириқиб томоша қилинди. Акмал Икромов, Бектемир, Миробод, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Сирғали, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Чилонзор, Юнусобод, Яккасарой туманлари марказий хиёбонларида ҳам халқ сайллари кечгача давом этди. Мустақиллигимиз шарофати туфайли қайта туғилган Наврўзи олам табиат гўзаллиги — баҳор ҳамда янгиланиш, покланиш рамзига, халқларнинг ўзаро бирдамлигию дўстлиги ва эзгулик йўлидаги меҳнат байрамига айланиб кетди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Абдунаби МАННОПОВ,
Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбирлари.

***

Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) ва Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ди. Йўллар, кўчалар, турар-жой мавзелари, маданий ёдгорликлар, қабристонлар, истироҳатгоҳлар тартибга келтирилди.

Умуминсоний байрам туфайли хайр-эҳсонга, меҳр-мурувватга муҳтож, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва ўзгалар ёрдамига муҳтожлар ҳолидан хабар олиш ниятида 13 мартдан 20 мартгача хайрия ҳафталиги ўтказилди. Шанбаликдан тушган маблағ «Наврўз» ва «Маҳалла» жамғармаларига ўтказилди. Наврўзнинг тансиқ таомларини тайёрлаш учун вилоят ҳокимининг қарори билан 150 тонна буғдой, 100 тонна ун, 100 тонна ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар ажратилиб, олдиндан ташкилотлар, маҳаллалар, корхоналарга етказилди. Айни пайтда наманганликлар мамлакат пойтахтининг Ҳамза тумани аҳолисига 400 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси ярмаркасини ташкил қилдилар.

***

НАВОИЙ. Вилоятнинг қайси бир шаҳар ва туманида бўлманг, Наврўз тантаналарига дуч келасиз. Вилоят ҳокимлиги, ЎзХДП вилоят кенгаши, Ёшлар иттифоқи, «Наврўз» жамғармаси ва жойлардаги маърифат ва маънавият марказлари алоҳида тадбирлар ишлаб чиқишган.

— Бу сафарги Наврўз тантаналари илгаригиларидан анча фарқ қилади,— дейди ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби, Наврўз байрамини ташкил этиш ва ўтказиш вилоят қўмитаси аъзоси Б. Рўзиев.— Бугунги дориломон, шодмон кунларга ўз ҳиссасини қўшган меҳнат ва уруш фахрийларидан, ногиронлардан мурувватимизни, хайр-эҳсонимизни аямадик. Айниқса вилоят марказидан олисда бўлган қўйчивонларни, йилқибоқарларни, кончи ва олтинтопларни байрам билан чинакам муборакбод этамиз. Шу мақсадда вилоят кенгаши тарғиботташвиқот маркази ходимлари Томди-Учқудуқ туманларига жўнаб кетишди.

Шаҳардаги «Фарҳод», «Ширин», «Наврўз» маданият саройларида халқ ансамбллари, ҳаваскорлик тўгараклари ўз чиқишларини намойиш этишди. Кўча-куйларда, маҳаллаларда эса дошқозонлар тўлиб сумалаклар, ҳалим ва халисалар тайёрланди. Кўчалар ва хонадонларо мусобақалар, маҳаллаларо кўрик танловлар қизитиб юборилди. Хуллас, навоийликлар Наврўзни шоду ҳуррамлик билан нишонлашди.

***

САМАРҚАНД. Бундан беш аср илгари ҳам Чўпонотада Наврўз нишонланган эди. Ўшанда Самарқанднинг чор атрофини Амир Темур яратган боғ-роғлар ўраб олганди...

Яна Чўпонота бағрига баҳор келди. Бугун минглаб одамлар эрта тонгданоқ ана шу масканга келдилар. Вилоят раҳбарлари юз ёшдан ошган бувилар ва боболар, табаррук меҳмонларни, тўпланганларни Наврўзи олам билан муборакбод этдилар. Табриклар қўшиқларга, куй яллаларга уланиб кетди. Шу куни бу ерда «Биз ўз қўлимиз билан яратамиз!» шиори остида савдо кўргазмаси бўлди. Вилоятдаги 50 дан зиёд саноат корхоналари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни намойиш қилиш билан бирга уни аҳолига сотдилар ҳам.

Байрам куни вилоятнинг турли бурчакларида Зиёвуддин тоғларидан Ургутнинг Тўпхонасига қадар бўлган 250 чақирим масофада чинакам баҳорий сурур, завқ-шавқ ҳукмрон бўлди. Жойларда юздан зиёд турли хил объектлар, маданий маиший бинолар, хусусий корхона ва цехлар фойдаланишга топширилди. 6 километр узунликдаги газ қувурларини фойдаланишга топшириш маросими ўтказилди.

Шу куни вилоят раҳбарлари шаҳардаги бир неча болалар уйлари, касалхоналарга ташриф буюрдилар, бева-бечораларнинг, беморларнинг аҳволидан хабар олдилар. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам амалга оширилди.

***

ГУЛИСТОН. Бу ерда Наврўз байрамини вилоятнинг таниқли спортчилари қизиқарли чиқишлари билан бошлаб бердилар. Соат эрталаб 10 да эса Гулистон марказий ўйингоҳида умумхалқ тантаналарининг очилиш маросими бўлди. Йиғилганларни вилоят раҳбарлари қутлуғ байрам билан табриклайдилар. Театрлаштирилган томошаларда Олим Хўжаев номли вилоят музикали драма театри санъаткорлари ва шаҳардаги таниқли бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг қизиқарли чиқишлари бўлди. Шоиралар — Х. Ортиқбоева ва Б. Холбековалар ўз шеърлари билан баҳор ва шодлик байрамини тараннум этдилар. Ўйингоҳда шаҳардаги барча меҳнат жамоаларининг энг яхши Наврўз таомларини тайёрлаш бўйича кўрик танлови ўтказилди.

Сўнгра байрам бутун шаҳарга ёйилди. Миллий дорбозларнинг чиқишлари, хўроз, қўчқор уриштиришлар, варрак учириш мусобақлари ўтказилди. Шаҳар оромгоҳларида турли бадиий ҳаваскорларнинг концерт дастурлари намойиш этилди.

Вилоятнинг барча шаҳарлари ва туманларида ҳам Наврўз байрами катта шодиёналар билан нишонланди.

***

ТЕРМИЗ. Сурхондарёликлар Наврўз олдидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказишди. Шу мавсум давомида бир миллиондан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Йўллар, кўприклар, халқ сайллари ўтказиш масканлари таъмирланди. Анъанавий умумхалқ ҳашар шанбалигидан тушган маблағ «Наврўз» жамғармасига ўтказилди.

Ҳа, жанубда бодом, ўрик гуллади. Лайлак учиб келди. Далаларда экин-тикин ишлари бошланди. Жамики маҳаллаларда сумалаклар тайёрланди.

Наврўзнинг катта сайли Термиз шаҳрининг Ал Ҳаким Ат-Термизий майдонида ўтказилди. Наврўз кечаси 6 маҳаллада ой ёруғида сумалак пиширилди. Миллий жиҳозлар билан безатилган сўриларда Наврўз гурунги, Наврўз базми қизиди. Дастурхонларга баҳор таомлари тортилди. Кечки сайл байрам куни тўй-томошага, шўх-қувноқ наволарга, хайрия тадбирларига, мустақил юртимизни мадҳ этувчи қўшиқларига уланиб кетди.

***

ТОШКЕНТ. Вилоят шаҳар ва туманларида байрам тантаналари оммавий сайлларга, спорт мусобақалари, турли миллий ўйинлар, таниқли ва ҳаваскор санъаткорлар чиқишлари бошқа қизиқарли дастурларга уланиб кетди. Бекободда 6 дошқозонда ош, 15 қозонда сумалак тайёрланди. Чирчиқдаги истироҳат боғида кўп минг кишилик сайл ўтказилди. Ангренда нон заводи ишга тушди. Ногиронларга 40 минг сўмлик совға-салом улашилди. Янгийўл шаҳрида 36 оилага мўлжалланган уй фойдаланишга топширилди. Қуйи Чирчиқ туманида кам таъминланган 2 мингга яқин, Бўка туманида эса 1100 нафар кишига моддий ёрдам кўрсатилди.

Хуллас, вилоятнинг ҳар бир фуқароси «Наврўз» саховатидан четда қолмади.

***

ФАРҒОНА. Водий боғларида баҳор нафаси эса бошлади. Шаҳарлар ва қишлоқлар, меҳнат жамоаларида Наврўз байрами арафасида озодалик ва ободончилик борасида ўзаро беллашувлар ўтказилди. Наврўз байрами куни эса энг сариштa шаҳар ва туманларга муносиб мукофотлар берилди. 21 март куни вилоят марказида март ойи давомида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят маданият ишлари бошқармаси, «Маҳалла» ва «Наврўз» хайрия жамғармаларининг вилоят бўлимлари ташкил қилган «Энг яхши оила», «Ибратли келин», «Намунали қайнона», «Рисоладаги куёв», «Оқила қиз» каби кўрик танловлар якунлари чиқарилди. Қабристонлар тартибга келтирилиб, йўл ёқаларига ўн минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Байрам кунлари Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари марказий майдонлари ва истироҳат боғларида, туманлар ва қишлоқларда савдо ярмаркалари ташкил қилинди. Кинотеатрларда миллий қадриятларимизни тарғиб этувчи бепул фильмлар намойиш этилди. Халқ ҳунармандчилик кўргазмалари ташкил қилинди. Турли спорт беллашувлари, миллий дор ўйинлари, катта концерт дастурлари намойиш этилди. Шу куни шаҳарлар ва туманлар ХДП партияси кенгашлари ходимлари болалар уйлари тарбияланувчилари, қариялар, ёлғиз кишиларга Наврўз совғасаломларини улашишди.

***

УРГАНЧ. Вилоятнинг барча туманларида ўзгача руҳ ва кайфият билан Наврўз байрами нишонланди. Кўча-кўйлар саранжом-сариштa қилинди. Кам таъминланган ва кўп болали оилалар, болалар уйлари тарбияланувчилари, қаровчисиз қолган қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари муборакбод этилди.

Наврўз куни оммавий тадбирлар ўтказиладиган асосий беш манзилгоҳда саноат, халқ истеъмол моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо хизмати кўрсатиш бўйича қўшимча дўконлар очилди. Янги савдо расталари иш бошлади. Огаҳий номидаги вилоят театри, К. Отажонов номидаги филармония, вилоят қўғирчоқ театри санъаткорлари барча олий, ўрта таълим билим юртлари, маҳаллалар, ташкилот ва муассасалар жамоаларида улуғ кунни зўр шодиёналар билан нишонлаш иштиёқида халқ хизматида бўлдилар. Қисқаси, бахт ва баҳор байрами шу куни ҳар бир кўча, ҳар бир хонадон меҳмони бўлди, қалбларга қувонч ато этиб, элимизни шодиёнага буркади. Туркманистон ва Қорақалпоғистондан ташриф буюрган меҳмонлар учун «Дўст билан обод уйинг» деб номланган махсус дастур бўйича хизмат кўрсатилди. Воҳа меҳнатчилари рассомлар, нақкошлар, халқ ҳунармандчилигининг ижод намуналаридан ташкил этилган кўргазмаларни, Урганч ўлкашунослик музейи, нафис санъат маркази суратлар галереясини томоша қилишди.

***

ҚАРШИ. Шаҳарнинг Самарқанд маҳалласида яшовчи С. Қурбоновнинг кўнгли Наврўз арафасида тоғдек кўтарилди. У икки ўғли Баҳодиржон ва Алишержонларни жамоатчиликнинг кўмагида уйлантирди. «Шарбат» савдо акционерлик жамияти, вилоят баққоллик акционерлик жамияти «Авиценна» ташқи иқтисодий алоқалар, тиббий тижорат бирлашмаси жамоаларининг ташкилотчилиги, саховати ва мурувватти билан катта дастурхон тузатилди. Шаҳарнинг турли бурчагидан меҳмонлар келиб келин-куёвлар шаънига самимий тилаклар билдирдилар. Тўй тантаналарида вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошлиғи Р. Раҳимов келин-куёвларга совғалар тақдим этди.

Хуллас, Наврўз арафасида кўпгина савоб ишлар амалга оширилди. Вилоят ҳудудида уруш қатнашчилари хотираларига ўрнатилган ёдгорликлар ва қабрлар таъмирланди, ободонлаштирилди. Вилоят маданият бошқармаси, касаба уюшмалари вилоят кенгаши Наврўз халқ сайлига бағишлаб фолклор, этнографик жамоаларнинг вилоят кўрик-танлови ва «Алла–муқаддас қўшиқ» ижрочиларнинг учинчи анъанавий кўриги ўтказилди. Вилоят ёшлар иттифоқи қўмитаси, вилоят Наврўз хайрия жамғармаси эса байрам арафасида Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятларида ҳарбий хизмат вазифасини ўтаётган қашқадарёлик аскарларни табриклаб келиш учун вакиллар юборилди.

Меҳнат ва уруш фахрийларига, қариялар ҳамда болалар уйларига, ногиронлар интернатларига, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексаларга байрам совға-саломлари улашилди.

***

НУКУС. Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Болалар жамғармаси, «Экосан» ва бошқа фондлар томонидан Хўжайлидаги Ҳамза номли республика болалар уйида, Тахиатошдаги жаажжи ўғил-қизлар уйида тарбияланаётган болаларга, Хўжайлидаги ногиронлар уйига, аҳли заиф ёшлар ва ўсмирларга, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга, кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган оилаларга пул ва кийим-кечаклардан совға-саломлар улашилди.

Наврўз байрами кунида республика пойтахти Нукус шаҳрининг Мустақиллик майдонига қадимги ипак йўли орқали туя қарвони кириб келди. Кетма-кет миллий от-аравалар, эшакаравалларда қиз-йигитлар ўта бошлайди. Кейин эса театрлаштирилган катта концертлар бошланди. Уларда қозоқ, туркман, корейс маданий марказлари вакиллари ҳам иштирок этадилар. «Нукус» меҳмонхонаси олдидаги майдонда, Халқлар дўстлиги майдонида, стадионларда, кўчаларда байрам ярмаркалари ташкил қилинди. Спорт мусобақлари ўтказилди. Кечқурун ҳамма жойда умумхалқ байрам сайллари бошланди. Шундай байрам тантаналари республиканинг барча шаҳар ва туманларида, давлат ва жамоа хўжаликларида, ферма яйловларида ҳам бўлиб ўтди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Даврон БАҲРОНОВ, Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ, Абдунаби ҚОРАБОЕВ, Музаффар ШАРОПОВ, Фармон ТОШЕВ, Абдужалил УМАРОВ, Олимжон УСАНОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Алишер ИБОДИНОВ, Қурбон МАТРИЗАЕВ, Илҳом ҚАРОМОВ, Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Турли касб эгалари

АЛЛО «006» ЭШИТАДИ...

Мамлакат Назарзодаеванинг асли касби мухандис эсада, тақдир тақозоси билан мана икки йилдирки, Тошкент аэропортининг «006» маълумотнома бюросида ишлайди. Кунига минглаб кишиларнинг саволига жавоб қайтариб, уларнинг оғирини енгил қилади. Бундан ўзи роҳатланади, кўнгли тоғдай кўтарилади. Шунинг учун ҳам навбатчилиги кунлари катта масъулият билан меҳнат қилади. Қилаётган ишидан кўнгли тўлиб, чарчаганини ҳам билмайди.

Маълумки, бир пайтлари «Справочное бюро» деган жойларда иш рус тилида юритилар эди. Эндиликда ўзбекча савол-жавоблар бўлаяпти.

— Ўзбек тилида гапиришдан завқланаман. Ўзингнинг тилингда равон қилиб, ҳузурланиб гапиришга нима етсин, — дейди Мамлакатхон.

Унинг дугоналари Шоҳида Мирзаева, Шоира Ҳамзаевалардек бийрон гапириш ниятида Елена Подлосткова, Лариса Левченко, Татьяна Брусовалар ҳам ўзбек тилини қунт билан ўрганишаётган экан. Айниқса, у бошлиқлари, катта навбатчи Татьяна Михайловна Брусовани алоҳида ҳурмат билан тилга олди. Унинг раҳбарлиги туфайли ахборотлар бўлимида иш намунали ташкил этилган...

Яхшиси, Сиз ҳам «006» маълумотнома бюросига қўнғироқ қилинг, аминмизки, биз каби Сиз ҳам қизларнинг хизматидан мамнун ва масрур бўласиз...

Шарофат ИСКАНДАР қизи,
Саломат САФОХОН қизи.

СУРАТДА: ўз касбининг устаси Мамлакат Назарзодаева.

Ислоҳот одимлари

МЎЛ ҲОСИЛГА ПУХТА ЗАМИН

Деновга қадам қўйишингиз билан сизда илиқ таассурот уйғонади. Бу ерда энг қадим ва яқин ўтмиш тарихимизнинг суврат ва сийрати билан бирга мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги қиёфасини ҳам яққол тасаввур қиласиз. Не-не асрлар оша тош ётқизилган тор кўчалар мозийни ёдингизга туширса, кенг ва равон йўллар, соя-салқин боғу-роғлар, кўкка қад ростлаган замонавий муҳташам бинолар шу куннинг нафасини билдиради. Деновда турли миллат вакиллари бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишмоқда. Туманда тадбиркорлик, ишбилармонлик, уддабуронлик ва ташаббус кенг қулоч ёймоқда. Бир мисол:

Биз туман ҳокими Тилло Менглиев тавсия этган хўжаликларнинг бирида бўлдик. Ҳақиқатдан ҳам «Тожикистон» жамоа хўжалиги ислоҳотларда шаҳдам одимламоқда. Хўжалик бошқаруви раиси Жуманазар Кенжаев — замонавий саркорлар сирасига киради. У фидойи, жонкуяр, талабчан.

Хўжаликнинг умумий суғориладиган майдони 1477 гектар. Ўтган йили 300 гектар ерда уруғлик пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик 38 центнерни ташкил этди. Жами 1200 тонналик хом ашё фақат биринчи навга қабул қилинди. Пахта тайёрлаш режаси 131 фоизга адо этилди.

Бугина эмас, дон тайёрлаш режаси 147, сабзавот — 114 фоизга ошиги билан уддаланди. Полиз экинларидан, узумдан, мевадан, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турларидан ҳам мўл ҳосил олинди. Хўжалик йил якуни бўйича 22 миллион сўм даромад қилди.

Дарвоқе, хўжалик номининг ўзиёқ бу жамоада турли миллат вакиллари меҳнат қилишига ишора. Бу ерда ҳақиқий заҳмат соҳиблари — Абдусалом Қурбонов, Холмўмин Турдиев, Акмалхон Камолов, Шерали Қораев, Рўзи Сафаров сингари илғор бригада саркорлари, Рўзивой Ражабов, Гулнора Қултўраева, Ҳайитой Ҳуррамова, Гулнора Каримова каби хўжалик аъзолари фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Хўжалик кун сайин кўркамлашиб, ободонлашиб бормоқда. Кейинги пайтда бешта қишлоқ хонадонида «зангори олов» ёнди. Ҳадемай бошқа хонадонлар ҳам бу қулайликдан баҳраманд бўлишади.

«Тожикистон» жамоа хўжалиги аъзолари бу йил ҳам юксак марраларни кўзлашмоқда. Аллақачон экиш-тикиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриб қўйилди. Суғориш шохобчалари аъло даражада тартибга келтирилди. Техника шай ҳолда чизиқда турибди. Маҳаллий ва минерал ўғит жамғариш қизғин давом этмоқда. Насиб этса, ҳосилдорлик жорий йилда 40 центнерга етказилади.

Р. ТОЖИАЛИЕВА.

26 март — умумхалқ референдуми куни

ТАФАККУР ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

«Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўла олмайди».

Ислом КАРИМОВ.

Асрлар давомида инсон нодонлик, қарамлик ва қулликнинг барча шаклларидан озод бўлишни, эркин, тўқ-фаровон ҳаёт кечиришни орзу қилиб келган. Киши ўз кучига таяниб социал, сиёсий ва маънавий қулликдан тўла озод ва эркин бўлса жамиятнинг мустақил ривожига, инсоннинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга, унинг юксак билим ва ахлоқ чўққиларига кўтарилишига муҳим омил бўлади. Бизнинг давримиз даставвал шахс эркинлигини, унинг барча хурофий тасаввурлардан озод тафаккурга эга ҳар томонлама билимдон бўлишини талаб қилади. Инсоннинг истеъдоди, куч-ғайрати, ақл-идроки ва имкониятини тўла очиб, ундан оқилона фойдаланган жамиятнинг ривожи ва равнақини таъмин қилиш мумкин.

Ҳозирги даврда муайян эътиқод, аниқ умид ва эзгу ниятларга эга, ўз мавқеи ва ҳуқуқини англаган, билимдон, ўз ватани ва бурчига садоқатли фуқаросиз ижтимоий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқараши, билим даражаси, маданий ва сиёсий савияси, ҳулқ-атвори умуминсоний қадриятларга мос келиши катта аҳамиятга эга. Аслида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрни, мавқеини ўз жамияти, ватани, теварак-атрофдаги муҳит олдидаги бурчи, масъулиятини ички ҳис-туйғулари ва виждони орқали чуқур тушуниб олса ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилига айланади. Дарҳақиқат, Президентимиз айтганидек, бугунги «бизнинг асосий вазифамиз — одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараённи вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб беришдан иборат».

Юртбошимиз кўрсатган тамойилда: «Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади», деб қайд қилинган.

Ёш мустақил республикамиз янги жамият қуришга киришди. Юртбошимиз қайд қилганидек, бизда ҳам бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган бир пайтда, салбий оқибатлар юзага қалқиб чиқмоқда. Унинг таърифича, бундай ҳолат қандай тизим ҳукмронлик қилишидан қатъи назар, авваламбор, айрим кишиларнинг қонида бор нопоклиги, фирибгарлиги, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қараши бугунги, келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятсизлик уларнинг маънавий қашшоқлиги туфайли кўзга ташланмоқда. Шундай мураккаб бир вазиятда Конституцион давлат ўз кучини кўрсатиши зарур. Президентимиз айтганидек, Ўзбекистонни мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, зўравонликни тарғиб қилувчи, Конституцион тузумга, халқнинг демократик эркинликлари, маънавиятига тажовуз қиладиган шахслар, жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши зарур. Конституциямизда ҳурфикрлилик, виждон ва эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилганлиги ҳам бежиз эмас.

Инсоният тарихий тараққиёти шундан далолат берадики, демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. «Демократияга, — дейди юртбошимиз, — тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан утказиб оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин».

Ҳозир аёвсиз қора бўёқлар билан чапланиб келаётган марксча сохта таълимотнинг асл мазмуни ўз даврида эзгу ниятларга қаратилганлиги, миллионлаб кишиларнинг эътиқоди, иймонига айланиб, бунёдкорлик, ижобий фаолиятга чорлаб, деярли бир асрдан ортиқ муайян омил бўлганлигини бутунлай учириб бўлмайди, албатта. Шубҳасиз, мазкур таълимот айрим ёвуз шахслар учун ўзларининг паст ниятларини амалга оширишда минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритишда наинки бир байроқ, балки ниқоб бўлган. Бу ниқобни фош қила олмаган, аммо инсон сўзига доимо ҳалол ишонадиган халқимизнинг айби нима?

Тарихий қисқа давр ичида янги бир жамиятга энди мустаҳкам пойдевор қўйдик десак «қайта қуриш, демократия, ошкоралик» каби ғоялар туфайли қисқа муддат ичида бутун бир иморат пойдевори билан емирилиб, ҳалигача Россия, Украина, Белорусь, Кавказ ва бошқа минтақаларда лойиҳаси йўқ иморатни қуришга уринаётганликлари ҳаммага аён. Шунинг учун ҳам биз ўз Конституциямизда «дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик...»

Инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия, қонунийликни ҳурматлаш муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда.

Ўтмишда ва ҳозир ҳам маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланган исломнинг ҳулқ-атворимиз, руҳиятимиз, турмуш тарзимизни мустаҳкамлашдаги хизматини унутиш мумкин эмас. Аммо, катта сиёсат, давлат ишларида, замонавий халқаро муносабатларни самарали бошқаришда илм-маърифатга ва умуминсоний дунёвий қонуниятларга риоя қилиш давр талабидир. Шунинг учун ҳам янги Конституциямизнинг 31-моддасида:«... Ҳар бир инсон виждон эркинлиги ҳуқуқига, ҳоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга», деб ёзилиши замонавий руҳдаги қоидадир. Ҳатто ўрта асрларда Шарқ ренессанси, яъни Уйғониш даврида ҳам «икки хилдаги ҳақиқат» назарияси кашф этилиб, мутафаккирлар исботлаб берган ғоя, дин ўзича ҳақ, фан ва илм-маърифат ўзича ҳақ, деб унга ўша даврдаги давлат ва диний арбоблар амал қилганлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг барча хурофий таълимот ва тушунчалардан озод умуминсоний ғояларни, миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган янги жамиятни қуришга жиддий киришди. Бундай масъулиятли тарихий вазифани бажаришда янги жамиятга хос бозор иқтисодига асосланган мафкурали, эркин, жасур ва билимдон фуқароларни тарбиялаш биринчи даражали вазифа бўлиб кўтарилди. Шубҳасиз, мустақил давлатимизнинг порлоқ келажаги, халқимизнинг тўқ, фаровон ҳаёти фан-техника, илм-маърифат билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ўз маърузасида юртбошимизнинг «агарки, мафкура, маърифат одамларимизнинг дунёқараши, тафаккури, юксалишининг ҳамиятини жамиятимиз истиқболи учун яхши англаётган эканмиз, авваламбор, мана шу йўлда ўзини аямаётган тадбиркор, ижодкор зиёлилар, олимларимизга етарли даражада шароит туғдириб, ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бериш бизнинг вазифамиз», дегани ниҳоятда муҳим.

Ҳозирги давр ижтимоий тараққиётнинг асосий омили инсон эканлигини эътироф қилиб, жамият ва ҳокимият мавқеи ҳам инсонга бўлган муносабат, юксак гуманистик ғояларни амалга ошириш билан белгиланади. Мустақилликка эришган республикамиз ўзининг ички ва ташқи сиёсатини, барча амалий фаолиятини кенг омманинг, ҳар бир шахснинг фаровон, тинч ва осойишта турмуш кечиришини, эркин тўқ ва соғлом яшашига имкон яратишга сафарбар қилишни ўзининг бош вазифаси қилиб қўймоқда. Бундай олижаноб вазифани бажариш, мақсадимизга эришиш учун сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, маънавий соҳада ҳам барча ислоҳотларнинг тақдирини ишончли, қатъиятли, маърифатли инсонларга, айниқса шижоатли ёшларга топшириш зарур.

Ёшларни янги жамият қуришда фаол бунёдкор қилиб тарбиялаш асосий мақсад бўлар экан, уларнинг онгига мустақиллик мафкурасини сингдириш зарур экан уни ҳар томонлама билимдон, замонавий илм-фанни эгаллаган, умуминсоний қадриятлардан хабардор шахс қилиб тарбиялаш биринчи даражали вазифа. Унинг учун дастлаб мактаблардан бошлаб илм-фаннинг барча соҳалари қўлга киритган ютуқларини, шу жумладан, бутун жаҳон халқлари тарихини тўлалигича ўқитиш, ёшларга жаҳон маданияти ва маънавияти руҳида таълим-тарбия бериш давр талаби. Фақат шу йўл билан биз порлоқ келажагимизни таъмин қилишимиз мумкин.



Жамиятни бошқариш ва тўғри ижтимоий тараққиёт йўлидан йўналтиришга уни фақат ҳар томонлама илмий жиҳатдан ўрганиш натижасида эришилади. Бундай оғир, масъулиятли вазифани барча ижтимоий фанларнинг, шу жумладан, тарих ва тарихий ўлкашунослик, этнография ва этносоциология фанларининг ютуқларига асосланган ҳолда амалга ошириш мумкин. Афсуски, бу соҳадаги ишлар ҳозирги давр талабига жавоб бера олмайди. Янги жамиятга хизмат қиладиган, миллий мафкурага асосланган тарихий ва этнографик, социологик ва фалсафий асарларнинг камлиги, уларнинг ҳозиргача назарий жиҳатдан ниҳоятда ожизлиги, сифатсиз ва юзаки ёзилганлиги тадқиқотчиларимизнинг халқимиз олдида нақадар қарздор эканлигини тасдиқлайди. Айниқса, мактаблар учун ёзилаётган тарих дарсликлари ва қўлланмалари илмий-бадиий жиҳатдан ҳануз бўш ва юзаки.

Замонавий фан ва маърифатнинг энг ажойиб ҳислатларидан бири унинг инсонпарварлигидадир. Ижтимоий тараққиёт умумий қонунларнинг ишлаш механизмини ўрганиш, назарий муаммоларни очиш, жамиятни илмий бошқариш учун зарур амалий таклифларни ишлаб чиқиш, ижтимоий жараённи илмий асосда классификация қилиш ва режалаштириш каби аниқ илмий тадқиқотлар инсон учун, унинг эркин ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиб, унинг бахт-саодатли бўлиши учун хизмат қилади.

Хуллас, ҳозирги пайтда шахснинг индивидуал белгиларигина эмас, балки унинг тафаккур ва виждон эркинлиги асосида маънавий бойликка, ахлоқий покликка, жисмоний камолотга етказадиган ёки унга тўсқинлик қиладиган барча шарт-шароит, воситалар нафақат ижтимоий фанлар, балки бутун устқурма ва буни бошқарувчи кишиларнинг диққат марказида турмоғи лозим. Шахснинг шаклланишини бошқариш учун унинг тараққиётини белгиловчи умумий шарт-шароитни аниқлабгина қолмай, инсонни камолотга етказишда иштирок қиладиган барча омилларни, механизм, социал-иқтисодий вазиятни ўзаро боғлиқ деталлари билан ўрганиш, унинг илмий хулосаларидан самарали фойдаланиш шу куннинг энг муҳим давр талабидир.

Мазкур олижаноб ва мураккаб вазифаларни бажаришда юртбошимизнинг амалий фаолияти ҳар бир раҳбар учун намуна бўла олади. Умумхалқ референдуми орқали Президентимизнинг ваколатларини 2000 йилгача узайтирилиши халқимизнинг барча эзгу ниятлари, тафаккур ва виждон эркинлиги, шахснинг маънавий ва соғлом камолоти, қолаверса Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим замин яратади.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор.

БИР ТУП БИНАФША МАДҲИ

(Бадиа)

Тоғ чўққиларида ҳали қор ярашиб турганди. Этакдаги дарёнинг тошқинлиги унинг қўйнидаги гулмоҳи балиқларнинг тош камаридаги сокин ҳаётини алғов-далғов қилиб «қаталанг» — уйғониш фаслига чорлаётганди. Пишаклар эса дарёдаги балиқлардан бехабар айни бир пайтда бир-бирини қидириб топишга, ялаб-юлқашга зорланиб миёвлашга зўр беришарди. Ранго-ранг ва митти сайроқи қушлар ҳали жанубда эди. Баланд танали дарахтлар шохида жуфтлашиб олган ҳаккалар шаққиллай-шаққиллай эски уяларини лойсувоқдан чиқаришга улгуриб уларни ҳут шамолига тоблаб қуритишни ўйлар, серғайрат ургочиларининг тухумдонларидаги зарғалдоқ ва бепучоқ тухумлар самолёт эшиги бўсағасида навбат кутаётган ҳаваскор парашютчилардай безовта титрамоқда эди. Бойчечаклар эса улардан бехабар потраб чиқаётганди. Қўрқув нималигини билмасди улар. «Барибир баҳор келади», — деб айтишга улгурмай хазон бўлса ҳам, уларнинг ўрнига аёздан қўрқмаган бошқалари чиқаверар, қўпирган сут каби тошқин бодом гулларини кўрмагунча авжидан тушмас эди. Ариқ ва дарё бўйлари ҳам Баҳор шаънига ясан-тусанни анча эрта бошлаган. Балоғат дарчасидан бўйлаган ўсмирнинг овозидай гулдираган дарёнинг ҳам ичида, ҳам ташида бир узга ғалаён. Дарё ҳам, балиқ ҳам, ороми бузилган ҳаккалар ҳам битта қўшиқни куйлашга киришган. Тиллари бошқа диллари бир. Кўклам яқинми дейман?.. Айтмоқчи бинафшалар қани? Уларнинг беҳиштий атрини туйиб ҳидламасам баҳорнинг яқинлигига ишонгим келмас. Турналар ҳали бехавотир жойда, Қоқилар гуллаган. Аммо уларни гул-пучдиги билан одамлар юлиб еб кетишмоқда. Митти бинафша гулларни эса ейишга буюрмаган. Боз устига гулдан тўйимлик бўлмас. Жамалак таққан қизлар, баъзида зулфи гажак жувонлар ҳам шу пайтда ялпиз тергани, шу баҳона билан бир шамоллаб келгани, «омон-омонлик» қилгани, яхшиёмонни кўргани ариқ ва жилға бўйларига чиқади. Бахти кулган бинафшаларгина қиз-жувонлар йўлидан чиқиб, уларнинг майгун лаблари устига бош қўйиб, «ҳаёт суви» мисол юрак ҳоврини симириб қўяди. Ўт-ўлан, гулу гиёҳ учун одимлайдиган жонзотлар йўлнинг устидан бош кутариш доимий орзу булгани билан ушалиши қийин. Бинафшалар бежиз ариқ бўйларида ўсмас. Ариқ лошларида сув ҳайдовчилар учун пиликдай йўлак тортилар, ўтиб қайтувчилар товони тагида эзгиланган майсанинг қайта бош кутариши яна гуллаб-яшнашининг ўзи бўлмайди.

Менинг кўрган - тутганим ўрмон этагидаги дарёдан бесўроқ айириб олинган серсув ариқ ёқасида кўпдан бери бинафша кўринмайди. Бир пайтлари кўп буларди. У пайтда одамлар «маёвка» деган беёқим сўзни билишмасди. Кейин эса, кейинчалик бинафшаларни таг-томири билан кавлаб кетишди. Энди бинафшалар дарёнинг нариги қирғоғида кўздан панада, олчаю наъматаклар тагида тўп-тўп бўлиб «истиқомат» қилишади. Эртаю кеч дарё ҳайқириб ётади. Аммо сен кўкардинг, бўй курсатиб гулладинг, муаттар бўйларинг билан дарё ёқасини тўлдириб ташладинг, минг афсус сени ҳеч ким кўрмади. Бор-йўқлигинг бировнинг тушига ҳам, хушига ҳам аён бўлмади. Тўғри, хушбўйсан, камёбсан, бебаҳосан! Панада бўлга-нингдан кейин ҳеч кимга керакмассан ахир. Наъматак тиканлари тагида қолган гилам бўйи бинафшазорни туш кўриб, тушини сувга айтгани эниб келган ва ҳамон жавоб кутиб ётган бинафшаларнинг армони шунақа эди. Чин сидқи билан тилаган Тангрининг жамолини кўради деган гапга иймонли одамнинг ишониши тайин...

Ариқнинг ўнг елкасига келиб гулламоқчи бўлаётган манови бир туп бинафшанинг бу тарафга қандай келгани қизиқ. Айни йўл устига, ариқ лабига ялпиз тергани келган қизалоқлар, узларини табиатсевар деб атайдиган табиат бузарларнинг ҳам кўз ўнгида унинг пайдо бўлиши зарурият ҳам, тасодиф ҳам деса бўлади. Қандай қилиб бу тарафга бир пайтлар аждодлари умргузаронлик қилган ва лекин қодир инсон лоқайдлиги ила топталган ариқ лошига келиб қолди-я. Насиб этса бу йил ҳам бу ерга табиатсеварлар кўп келади. Шу бир туп бинафшани кўрмайди деб ким кафиллик бера олади? Тўғри дарё нарёгидагиларнинг ҳаммаси бу тарафга қанот чиқариб учгудай. Лекин қани уша қанот? Гулливер оёқларидай узун оёқлари бўлса бу тарафга сакраб утса?.. Она табиат уларни оёқдан ҳам, бўйдан ҳам қисган. Миттигина гул бандини фақатгина қизчаларнинг тутами бўйлайди. Бинафша ранги ҳам ёп-ёруғ эмас. Совуқ кунларнинг рутубати қора ранг, иссиқ кунларнинг аввали қизил ранг қўшилиб бинафша рангини ясаган. Бинафша гули — жаннат боғининг ҳақнинг ҳақиқати борлигига гувоҳ. Балки уша жаннат боғларида ўсиб ётган муаттар бўйли, мен номини билмайдиган гулларни солиҳ бандаларнинг ташрифини кутакута киприклари орасидан томчилаган кўз ёшларидан, ўзида бутун борлиқни акс эттирган тонгги шабнам дурдоналаридан униб чиққан бўлса ажабмас. Бу арзимас таъриф митти бинафшаларнинг касбу кароматига мансуб. Ва лекин бир туп бинафшани бу тарафга қай йўсинда келиб қолгани қизиқ. Бир тоифа бодринг ўз уруғини ўгдонига» жойлаб тўп отгандай отиб «экади». Иттиканак ўз уруғ донасини илашимли тиканга ўраб, қўй-эчки юнглари орасига илаштириб олади-да узоқ-узоқларга жунатади. Балиқларнинг тухуми ўрдаклар оёғига илашиб тоғ жилғаларига чиқиб боради. Одам боласи ҳам яхши жойу, ширин нон излаб турли жойларга кучиб боради ва уша ёқларда қолиб кетади. Киндик қони томган жойнинг меҳри эса бўлакча. Гулламоқчи бўлиб турган бир туп бинафшанинг ҳам ариқ бўйига кучиб келиши ҳам ихтиёрий — мажбурий бўлганди. Саратоннинг адоғи эди. Ариқда ҳам, дарёда ҳам сув тортилиб қолганди. Бутун қишлоқнинг ярмини сув билан таъминлайдиган мана шу ариқнинг суви ҳам жилдираб қолган. Экинларга эса сув керак. Авандоз қилиб бошқа ариқларнинг сувини ҳам шу ариққа ҳайдашди. Сув тошиб ариққа сиғмай кетди. Уч тўртта йигит тош ва чим билан сувни қайтариб ариққа бошқарди. Бу дарё ва ариқ қирғоғидан чим тушиши қийин. Кимдир нариги қирғоқдан чим кучириб келишни таклиф қилди. Тўртбешта чим уйиб ташиб келдию дарёга оқаётган сув йўли тўсилди. Эвазига қанча тош, дов-дарахтнинг ташналиги қонди. Чимлар орасига қўшилиб бир туп бинафша ҳам томири билан қўшилиб, кучиб келди. Кузгача ўзини ўнглашга улгурди. Бу йил янги жойда илк бора гуллайди. «Кучманчи» бинафша ўзини бозорга солиб бахтини синамоқчи.

Юсуфлек ўзимни солсам бозора
Зулайҳолекҳарилоримҳушэнди.

Қишлоқ тарафдан эса булармон шоирчанинг қалами мана бундай сатрларни ёзиб қуяётганди:

Жилга лабига ранг теккан қиз мисол
Бинафша гуллардан қўяр ҳинду хол.
Ҳали лола йўқдур, лоладай қизлар
Ялпиз чимчилайди, чучмома излар.
Қишлоқ йўлларида файзу тароват,
Наврўз қадаминга минг-минг ҳасонат!..

Шарқираган ариқ бўйида ўсган бинафша эса зўр бериб очилиш пайида. Унинг тақдирини кимга қўшдийкин?

Илоҳо, яхшиларнинг назаридан қолмасин!
Илоҳо лоқайдлар тавони остида янчилмасин!
Уям кўплар қатори кун кўрсин,
Кўклам кўрсин, Наврўз кўрсин!

Ой юзли, ширмой юзли қиз-жувонларнинг кузига, куксига суйкалиш шу боумид гулчага ҳам насиб этсин!

Ғози РАҲМОН.

КЎТАРИНКИ РУҲДА

Ўлкамизда баҳор нафаси уфуриб турибди. Яқинда Рамазон ҳайити, бир неча кундан сўнг Халқаро хотин-қизлар байрами кўтаринки руҳда нишонланди. Мана энди эса юртимизда янгиланиш, ёшариш — Наврўз байрами тантаналари... Биз Тошкент педагогика коллежида бўлиб, мазкур коллеж директори Минаввара Исмоиловадан байрам кандай ўтганлиги хусусида сўзлаб беришини илтимос килдик.

— Жамоада Наврўз байрамини нишонлаш анъанага айланиб қолган. Байрамга тайёргарлик ишлари бир ой илгари бошлаб юборилди. Коллеж ҳудудини ободонлаштириш, дарахт-кўчатларни ўтказиш, ўқув хоналарини саранжом-сариштa қилиш амалга оширилди. Бир ой илгари байрам дастури ишлаб чиқилди. Дастурга кўра савдо, миллий таомлар, талабаларнинг ижобий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма ғолибларига билим юрти касаба кўмитасининг махсус мукофотлари, қимматбаҳо совғалари топширилди.

Қозонларда миллий таом — сумалак ва ош дамланиб, байрам дастурхони ёзилди. Билим юртининг радио тармоғи тўлқинлари орқали байрам табриклари ва куй-кўшиқлари таралди.

Бу тадбирлардан ташқари 26 мартда бўлиб ўтадиган Республикамиз Президенти ваколатларини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги референдумни ўтказиш режаси тузиб олинди. Ушбу юмушларга билим юртининг тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Севара Зуфархўжаева бош-қош бўлмоқда.

Умуман байрам билим юртида кўтаринки рухда нишонланди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: коллеждаги байрам тантаналаридан лавҳалар.

Даврон АҲМЕДОВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ҲОЗИРЧА БИР ҚАРОРГА КЕЛИНМАДИ

АҚШ раҳбари Билл Клинтон Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан учрашув муддати ҳақидаги масалада ҳозирча бир қарорга келгани йўқ, деди Оқ уй матбуот котиби Майкл Маккэри. Ушбу масала АҚШ Давлат котиби Уоррен Кристофер билан Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев ўртасида яқинда бўлиб ўтадиган учрашувда муҳокама этилади.

УРУШ БЎЛИШ ЭҲТИМОЛИ БОР

«Озарбайжонда яна фуқаролар уруши бўлиши эҳтимоли бор», деди мамлакат Президенти Ҳайдар Алиев миллий телевидение орқали Озарбайжон халқига мурожаат қилиб. Бунга мамлакат ички ишлар вазири ўринбосари Равшан Жавадовнинг ва у бошқараётган муҳим тоғшириқлар бўйича полиция гуруҳининг қонунга зид ҳаракатлари сабаб бўлмоқда. Президент расман тарқатиб юборилган мазкур гуруҳни ўз қарорғоҳига қайтишга ва қуролларини топширишга чақирди.

ДИНОЗАВРНИНГ ТОШГА АЙЛАНГАН ТУХУМИ

Хитой олимлари 65 миллион йил бурун нобуд бўлган динозаврнинг тошга айланган тухумидан наслий қисмини ажратиб олишга муваффақ бўлишди. Хитой олимларининг эътироф этишича, ушбу тажриба биринчи марта амалга оширилган. Динозаврлар ва уларнинг яшаш жойларини ўрганишда мазкур тажриба муҳим аҳамиятга эга, дейилади шу ҳақдаги хабарда.

ҚАБРИСТОНДА ХОТИРА ТАХТАСИ

1945 йилнинг 25 апрелида АҚШ ва совет аскарлари Эльба дарёси бўйида учрашган эди. Американинг Арлингтон миллий қабристонида ушбу учрашувга бағишлаб бронзадан хотира тахтаси ўрнатишга қарор қилинди. АҚШ Мудофаа вазирлигининг мазкур масала бўйича махсус комиссияси вакили подполковник Алан Гриннинг маълум қилишича, хотира тахтасидаги ёзувлар инглиз ва рус тилларида бўлади.

АРМАНИСТОНДА БУЮК БРИТАНИЯ ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛАДИ

Буюк Британия жорий йилнинг кузида Арманистонда элчихона очиш ниятида. Бу ҳақда Бирлашган қироллиқнинг Россиядаги элчиси Брайн Фолл баёнот берди. Унинг таъкидлашича, Буюк Британиянинг Ереванда элчихона очишидан мақсад Тоғли Қорабоғдаги вазиятни яқиндан кузатиб боришдир.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мактаб ва ислоҳот

ИШГА ТАНЛОВ БИЛАН

Оққўрғон туманидаги 3-ўрта мактаб тўнғич маориф масканларидан бири. Бу даргоҳда ишлаган айрим ўқитувчиларнинг нафақага чиқиши муносабати билан ёш муаллимлар ишга жойлашиш учун мактаб маъмуриятига ариза билан мурожаат қила бошлади. Битта ўринга 3-4 киши тўғри келяпти. Нима қилиш керак?

Осонгина йўл топилди. Танлов асосида ишга қабул қилиш учун 11 кишидан иборат гуруҳ тузилди. Улар ариза билан келган ўқитувчиларни мутахассислиги, касб маҳорати, дарс ўтиши, техник ва кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланишини амалда синовдан ўтказадилар. Шундан кейингина буйруқ чиқарилади.

— Танлов билан қабул қилинган ўқитувчи, — дейди танлов гуруҳи раиси, кимёбиология фани ўқитувчиси Саидбоқи Ҳусанов, — масъулиятни чуқур ҳис этиб ишлайди-да. Ўтган ўқув йилида 18 нафар ўқитувчидан 7 нафари, бу йил эса тўрт нафар янги ўқитувчи қабул қилдик. Қани энди, бу ташаббус бошқа жойларда ҳам қўлланса...

Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.

23 март — Покистон Ислом Республикаси куни

АЛОҚАЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Жанубий Осиёдаги йирик давлатлардан бири – Покистон 1947 йил август ойида Британиянинг катта мустамлакаси Ҳиндистоннинг доминион ҳуқуқига эга бўлган икки давлатга бўлиниши натижасида вужудга келди. 1956 йилнинг 29 февралида Покистоннинг Таъсис мажлиси депутатлари мамлакатнинг биринчи конституциясини қабул қилдилар. Унга мувофиқ 1956 йил 23 мартда Покистон доминиони федератив Покистон Ислом Республикаси, деб эълон қилинди. Ҳозирги даврда Покистонда 1973 йилнинг 14 августида кучга кирган учинчи конституция амал қиляпти.

Президент давлат раҳбари ва унинг рамзи ҳисобланиб, катта ваколатларга эга. У парламентнинг иккала палатаси аъзоларининг қўшма мажлисида яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Президентнинг ваколат муддати 5 йил. 1993 йилнинг ноябридан бошлаб Фаруқ Аҳмад Хон Легари Покистон Ислом Республикасининг Президенти ҳисобланади.

Олий ижро этувчи ҳокимият – бош вазир раҳбарлигидаги ҳукумат қўлида тўпланган. У Миллий мажлис депутатларининг тўғридан-тўғри кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланади. 1993 йилнинг октябрь ойидан Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири — Беназир Бхутто ҳисобланади. Айни пайтда у ҳукмрон Покистон халқ партиясини ҳам бошқаради.

Покистон раҳбарияти Марказий Осиё республикалари билан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси билан алоқаларни фаол ривожлантирмоқда. Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларнинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалиши ҳаммага яхши маълум. Бу муносабатларнинг тарихий шаклланишига савдо, адабиёт, санъат, меъморчиликнинг ривожланиши, Буюк ипак йўли ёрдам берди. Иккала давлатнинг тарихи, маданияти, санъати, меъморчилиги, дини, урф-одатлари ва анъаналарида кўпгина умумий томонларнинг мавжудлиги халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг пойдеворини ташкил этади.

1992 йил июнида Покистон ҳукумати раҳбарининг Ўзбекистонга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил август ойида Покистонга қилган расмий ташрифлари икки томонлама муносабатларнинг анчагина кенгайишига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши тўғрисидаги Протокол, Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг принциплари тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида савдо-иқтиссодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, энергетика, почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, инвестицияларни ўзаро муҳофаза қилиш бўйича битим, иккита банклараро битимлар каби муҳим ҳужжатларнинг имзоланишига олиб келди. Ана шуларнинг ҳаммаси иқтисод, савдо, маданият соҳаларида икки томонлама муносабатларни анча фаоллаштиришга имконият беради.

Шуни айтиш керакки, икки давлат ўртасида турли даражадаги делегациялар, кўргазмалар, семинарлар, талабалар, сайёҳлар, ишбилармонлар, корчалонлар алмашинуви йилдан-йилга ошиб боряпти.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш ишига Ўзбекистондаги Покистон Ислом Республикаси ва Покистондаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ходимлари, Лахор шаҳридаги Ўзбекистон маданият ва иқтисод маркази жамоаси ва раҳбарияти катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бунга қўшимча қилиб республикамизда фаолият кўрсаётган «Ўзбекистон — Покистон» жамияти, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари ва аспирантлари, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ўқитувчи ва талабалари, пойтахтимиздаги урду тили ўқитиладиган 156-ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, иккала давлатнинг бир қатор бошқа ташкилотлари олиб бораётган амалий ишлари халқларимизни бир-бирларига янада яқинлаштиришда муҳим роль ўйнаяпти.

Покистон халқини ушбу катта байрам билан табриклар эканмиз давлатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг келажакда янада мустаҳкам бўлишини ҳоҳлаймиз.

И. ВАСТКИН,
тарих фанлари доктори,
Б. ОБИДОВ,
тарих фанлари номзоди.

«ЧАМАН»ДА ГУЛЛАР ОЧИЛЯПТИ

Утган йили Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳайъатининг қарорига биноан Республика ўқувчилар саройи қошидаги «Чаман» болалар фольклор-рақс дастасига «Халқ ансамбли» фахрий унвони берилди.

Ташкил топганига эндигина етти йил бўлишига қарамай, болалар ижодиётида талайгина ютуқларни қўлга киритишга улгурган бу даста, республикамизда ўтказилаётган оммавий байрам тадбирларининг деярли барчасида мунтазам иштирок этади.

Тўгарак аъзоларининг сони кундан-кунга ортиб, ижрочилик маҳорати тез ўсмоқда. Бугун ушбу дастада юздан ортиқ чинакам ёш санъат шайдолари ўзбек миллий рақс санъатининг нафис ва жозибали сирларини, шунингдек қўшиқ куйлаш билан бирга, турли мусиқа асбобларида соз чалиш йўлларини иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Айниқса, ёш раққосаларнинг кўпдан-кўп оммалашган ўйинларни маҳорат билан ижро этишлари ҳар қандай томошабинни завқлантиради.

— Дастада олти йилдан бери қатнашаман, — дейди пойтахтдаги 41-ўрта мактаб ўқувчиси Муҳайё Ҳожимуродова. — Устозимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим ака Азизов бизга рақс санъатининг энг нозик сир-асроригача ўргатадилар. «Ўзбекистон гулгунчалари», «Биз мустақил Ўзбекистон болаларимиз», «Тантана» каби қўшиқ-рақс композициялари, қатор оммавий ўйинлар билан биз дастлаб Москвада, Санкт-Петербург, Киев, Алмати шаҳарларида ва халқаро «Артек» оромгоҳида гастролларда бўлиб, муваффақиятларга эришдик.

Дастанинг серқирра ижодий фаолиятида машҳур раққоса Мукаррама Турғунбоева сиймоси алоҳида ўрин тутади. Ансамбль жамоаси буюк санъаткор хотирасига бағишлаб «Мукаррама опани эслаб» мавзуида икки қисмли «Рақслар гулдастаси»дан иборат катта концертлар намойиш этганини кунчилик томошабинлар яхши биладилар. Даста жамоасини Шайҳонтоҳур тумани ҳокимлиги ўз оталиғига олган. Жумладан, турли хилдаги саҳна либослари ва рангли тасвирдаги концерт афишаларини тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларнинг ўз вақтида ижобий ҳал этилишида доимий равишда ўз ёрдамларини аямаётганликлари ҳам мақтагулик.

Дилмурод МУҲАММАДИЕВ,
педагогика фанлари номзоди.
Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ.

Жанггоҳнинг тирик гувоҳлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

"ПРОФИЛ ЭНТЕРПРИС"
ЎЗБЕК-ҲИНД
қўшма фирмаси
ҳинд чойи ва "ОМО"
(концентратли) Италия кир ювиш
порошогини
сотади.
тел. факс - 350780
МАНЗИЛ: Амир Темур кўчаси,
108. (Ғалаба боғи ёнида).

УРУШ БОЛАЛАРИ

Ваҳобжон Жалилов жанг кўрган, ғолиблик туйғусини ўз вужудида ҳис этган фахрийлардан. Меҳнат фаолиятини муаллимликдан бошлаб, райижроқўм раиси, вилоят матбуот бошқармаси раҳбари каби лавозимларда хизмат қилди. Ҳозирда Жиззах шаҳар фахрийлар кенгашига раислик қилаётган В. Жалиловнинг қўйида тақдим этаётган мақоласида унинг бевосита ўзи гувоҳ бўлган манзаралар тасвирланган.

Ҳали-ҳали эсимда. Ўрта мактабни битирганимизда ширин-ширин хаёллар бизларни аллақаёқларга етакларди. Кимдир шоир, яна биров учувчи, бошқамиз ўқитувчи ёки агроном каби касб соҳиби бўлишни орзу қилардик. У даврнинг муҳити ўзгача эди: адабий кечалар, турли учрашувлар илм-фанга ёшларнинг иштиёқини оширар эди. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ғайратий ва бошқа адибларнинг асарлари зўр ташналик билан ўрганиларди.

Қирқинчи йиллар. Самарқанд шундай бир жозибали, ажойиб гўзал эдики, унинг жамолига туймасдик. Аслида шундай бўлганми, ё ёшлик романтикаси туфайлими, ҳар ҳолда, бизнинг назаримизда атрофда одамлар бахтли ҳаёт гаштини сурар эди. Якшанба кунлари мириқиб дам олар, боғу хиёбонларда сайр қилар эдик.

Мен Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг бир йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқирдим. Филология факультетининг охирги курсида Шараф Рашидов, Асқад Мухтор, Назармат Эгамназаров, Раҳимжон Муқимов каби қаламкашлар ўқишарди. Кейинчалик эл-юртга номи танилган бу инсонлар билан уша пайтларда, бир йил бўлса ҳам, бирга бўлганим, яқиндан танишганимдан тақлиримдан миннатдорман.

Ёзги имтиҳонларни якунлаш арафасида эдик. Бирдан уруш ҳақида хабар келди. Урушнинг учинчи куни университетнинг ёзги кино театри биносида профессор, ўқитувчи ва талабаларнинг кўп минг кишилик митинги бўлди. Ҳамманинг юзларида алам ва қатъийлик. Нотиқлар фронтга жўнатишларини, душман билан олишув истагини билдирарди.

Бир ҳафта — ўн кун ичида университет ёпилди. Бу ерда ҳарбий госпитал ташкил қилинди. Ўқитувчи ва талабаларнинг кўпчилиги жангга отланди. Қолганлари Тошкентдаги Ўрта Осиё университети билан қўшилишди. Биз ёш бўлганимиз учун Жиззахга ўқитувчи қилиб юборилдик. Мен 1942 йилда Владивостокда, кейин Омск шаҳрида танкчилар мактабини битириб, 1943 йилнинг октябрида танклар билан Украинанинг Жанубий Кременчук шаҳрида Днепрдан ўтиб, Александровск, Знаменко ва бошқа шаҳарларини озод қилишда, Руминия, Венгрия, Чехословакия каби мамлакатларни фашистлар асоратидан қутқазишда қатнашдим.

Эҳ-ҳе, бу давр мобайнида қанча сувлар оқди, сувга қўшилиб қанча қонлар ҳам оқди. Қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади деганларидек, урушдан эсон-омон қайтдик. Ғалаба кунини кечагидек эслайман. Қуролларимизни қўлимизга маҳкам ушлаб ётган жойимиздан отилиб кўчага чиқсак, ҳамма тўпланган, милтиқ, автомат, ҳатто пулеметлардан осмонга қараб ўқ узишмоқда. Осмон эса мусаффо, тиниқ, ҳамманинг оғзида орзиқиб кутган Ғалаба деган калом. Юзлаб одамлар пилоткаларини, тепакларини суюнганларидан осмонга отмоқдалар.

1946 йилнинг охирларида оловли йўллардан ўтиб Ватанга қайтдик. Жонажон Ленин номли ўрта мактабда яна ўқитувчилик қила бошладим. Лекин, уруш даҳшатлари, айниқса тинч яшаган қишлоқ ва шаҳарларнинг ҳаробалари, фронтда тўкилган қонлар, бегуноҳ чоллар, аёллар, айниқса, болаларнинг уйсиз-жойсиз, отаонасиз қолганлари, оч-яланғоч яшаганлари сира кўз олдимдан кетмас эди. Чунки, биз Украинанинг ерларини озод қилиб, кўзи олдида ота-онаси отиб ўлдирилган, опа-акалари немис заводларида ишлаш учун қулликка жўнатилган, неча кунлаб овқат емаган, жароҳатланган бегуноҳ болаларни излаб топиб фронт орқасига жўнатар эдик.

1946 йили Жиззахда 12-болалар уйи ташкил қилиниб, унга 350 дан ортиқ рус, белорус, украин, қозоқ, татар, узбек ва бошқа миллат болалари тарбиялаш-ди. Мактаб-интернатни урушдан олдинги йилларда бизларга рус тилидан дарс берган, кейин халқ маорифи бўлими мудири бўлиб ишлаган устозимиз, моҳир педагог Робия Валиевна Мингалиева ташкил қилди, етим болалар бошини силаб, бутун меҳрини, қалбини, борлиғини шу савоб ишга бахшида этди.

Робия Валиевна учун бағри кенг, руҳи тетик, иродаси мустаҳкам педагог тарбиячилар керак эди. Хўш, уларни қайдан топади? Шу ўй-хаёлларини Робия Валиевна турмуш ўртоғи Зокир Санақулов билан маслаҳатлашди.

Зокир ака узоқ ўйга толиб қолди. У ҳам уруш йиллари армия сафида бўлган. Уруш даҳшатларидан хабардор.

— Менимча, юзлаб ўқитган шогирдларинг ичида фронтларда жанг қилган ва қайтиб келган педагоглар бор, шуларни чақириб ишга ол, — деб маслаҳат берди Зокир ака.

— Жуда яхши, шундай қиламиз, — деди Робия Валиевна.

Тез кунда болалар уйининг бош тарбиячиси вазифасига Сталинград, Белгород, Харьков каби шаҳарларни озод қилган, Днепр, Дунай дарёларини кечиб ўтиб, Балатон кўлигача жанг қилган, қўплаб орденлар нишондори, 3 марта қаттиқ ярадор бўлиб, 2 марта оиласига жангларда қаҳрамонларча ўлди, деб хабар келган собиқ ўқитувчи Мамасоат Ҳасанов тайинланди.

Бизлар ҳам болалар уйига ишга чақирилдик. Ҳурматли устозимиз ушбу сатрлар муаллифини тарбиячи ва бош пионервожатий вазифаларини бажаришга таклиф қилдилар. Мен рози бўлиб енг шимариб ишга киришдим. Шунингдек, тарбиявий ишларга урушнинг чидаб бўлмас даҳшатларини кўрган педагоглардан Омон Абдуллаев, Мелибой Нормуродов, Оқил Ропиев, Насим Салимов ва бошқалар тайинланди. Булардан ташқари, болалар уйида бағри кенг, меҳнатсеварлар Иноможон Каримов, Мусурмонқул Ҳусановлар ҳам хизмат қилдилар.

Болалар уйининг ташкил топишида, етим-есирларни ўз вақтида озиқ-овқат, уст-бош, ўқув қуроллари билан таъминлашда уша вақт райижроқўм раиси, Робия опани турмуш ўртоғи Зокир Санақулов, район халқ маорифи бўлими мудири Ҳаким Зияевлар жуда кўп ғамхўрлик қилишарди. Самарқанд вилоят партия қўмитасининг мафкуравий ишлар бўйича котиби Шараф Рашидовнинг ҳам болалар уйини ташкил қилишда ва уни оёққа турғазишда алоҳида хизматлари бор.

Болалар уйида иш тарбиячилар, муаллимлар, хўжалик ходимлари билан таништирувдан бошланди. Рус, украин, белорус болалари кўп эди. Улардан бири директор Робия опага қараб мени таништирганларида капшофлардан бири рус тилида номларини қандай айтамиз деса, директор:

— Василий Петрович, — денглар деди. Ҳамма кулиб юборди. Шу-шу мен болалар уйида ҳамма учун Василий Петрович бўлиб қолдим.

Биз болаларни меҳр билан тарбиялаб, уларнинг яхши билим олишлари, юксак фазилатли инсон бўлиб етишишлари учун бор вақтимизни, куч ва билимимизни аямай хизмат қилардик. Бу ерда ҳеч ким вақт билан ҳисоблашмасди. Кўпинча кечалари ҳам ётиб қолардик.

Капшофлар отрядининг бошлиги, тарбиялапувчи Мелибой Ҳасанов адабиётга, шеър ёзишга жуда қизиқарди. Ёзганларини менга кўрсатди. Шеър анча пишиқ чиққан эди. Уни район «Социализм йўли» газетасида бостирдик. Мана йиллар кетидан йиллар кетди. 12-болалар уйи тарбияланувчиларининг ҳаммаси замонамизнинг меҳнатсевар, фидойи кишилари бўлиб етишдилар. Улар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, илм-фан масканларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Юқорида айтганимиздек, бир вақтларда тарбияланувчи Мели Ҳасановнинг шеърини ёддаб ўқиб юрган Отақул Эргашев ҳозир фалсафа фанлари номзоди. Тарбияланувчилардан Суннат Қосимов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, республика журналистлар уюшмасининг аъзоси, бир неча китобларнинг муаллифи, Сайфулла Файзуллаев етук ҳуқуқшунос, Навоий вилояти прокурори, Анатолий Винокуров — ёзувчи, Анатолий Потапов РСФСРда хизмат кўрсатган рассом, Наби Одилов, Маҳмуд Аҳмедов, Зиёд Жабборов, Александр Даневский ва бошқалар олий маълумотли ўқитувчилар, Сафон Гусмонов олий маълумотли зоотехник, Абдулла Мамараҳимов юқори малакали пиллачилик мутахассиси, Қаҳрамон Солиев, Анвар Йўлдошевлар механик, Ҳамдам Одилов, Ғаффор Ғуломов олий маълумотли шифокорлар бўлиб, эл-юртга хизмат қилишда намуна бўлмоқдалар.

1976 йилда болалар уйининг собиқ тарбияланувчилари ва тарбиячиларининг сира унутилмас учрашуви бўлди. Болалар уйининг ташкил қилинганига 30 йил тўлганди. Учрашувга 60 дан ортиқ тарбияланувчилар ўз устозларига миннатдорчилик сўзларини бир пиёла чой устида изҳор этдилар. Айтилган сўзлар тарбиячиларни тўлқинлантириб юборди. Биз немис-фашист босқинчилари устидан бўлган Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш арафасида болалар уйининг собиқ тарбияланувчиларини, меҳрибон шогирдларимизни Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги ибратли ишларини кўриб жуда мамнун бўлмоқдамиз ва уша даврдаги меҳнатларимиз зое кетмаганидан фахрланамиз.

Ваҳобжон ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

КЎРГАЗМА, САВДО ЯРМАРКАСИ ВА ҒАРОЙИБ ТОМОШАЛАР



Модали ва чиройли маҳсулотлар
нисбатан арзон нархларда
● Сиз Тикувчилик саноати Ассортимент ва Модалар республика марказидаги ярмаркамизда модали ва чиройли маҳсулотларни катта ва кичик миқдорда улгуржи ва чакана тарзда сотиб олишингиз мумкин.
● Баҳор-ёз мавсуми
газламалари, пойабзаллари, тикувчилик, трикотаж ва чарм-галантерея буюмлари, чинни идишлар сотилади.
Ярмаркада "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг барча ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналари қатнашадилар.
Биз Сизларни 26 мартгача ҳар куни соат 9 дан кутамиз!
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 25.
"Россия" меҳмонхонаси бекати. Телефонлар: 39-10-53, 39-13-49, 56-05-25.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — АМЕРИКА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ
ДАСТЛАБКИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР
Жамғарма Марказий Осиёдаги фаолиятини Ўзбекистонда дастлабки лойиҳани амалга оширишдан бошлади. Резина буюмларини тайёрлаш бўйича Ўзбекистон — Америка янги қўшма корхонаси яқин вақтларда юксак сифатли андозаларга жавоб берувчи асбоб-ускуналарда маҳсулотлар бера бошлайди. Бу Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида зарур бўлган маҳсулотларни нисбатан арзон нархларда сотиш учун имконият яратади.
Хусусий компаниядан Жамғармага тақдим этилган жиддий бизнес-режа натижаси туфайли шунга эришилди.
Қозоғистонда ҳам бир лойиҳа инвестиция олиш ҳуқуқини олди.
Марказий Осиё — Америка Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси ишончли асосда хусусий бизнесга инвестицияларни амалга оширишдан манфаатдор.

Тошкент шаҳар Октябрь туманидаги 59-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Абдуазимов Обиджон Ўткурович номига берилган ўрта мактабни тугатганлик ҳақидаги А № 041017 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х. Сулаймонова номли Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг Андижон бўлими бошлиги Тоҳиржон Отабоевга онаси
ОЙДИНАХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 25 март, шанба куни чиқади).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Ўрганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
• Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ , навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.00
123456.